

# **“МИЛЛИЙ ИТТИХОД”ЧИ ИСРОИЛЖОН ИБРОҲИМЖОН ЎҒЛИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН**

**Асадулло Олимжон ўғли ХАСАНОВ**

таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти

Тошкент, Ўзбекистон

[xasanovasadullo7@gmail.com](mailto:xasanovasadullo7@gmail.com)

## **Аннотация**

Мақолада жади́дчилик ҳаракатининг фаол аъзоларидан бири Исроилжон Иброҳимжон ўғлининг шахси ва фаолияти тарихий манбаларга суянилган ҳолда илк бор таҳлилга тортилган. Унинг жади́дчилик ҳаракати ва миллий озодлик курашларидаги иштироки масаласига алоҳида эътибор берилган.

**Таянч сўзлар:** “Исроил шойифуруш”, жади́дчилик ҳаракати, “Турон” мактаби, кўрбошилар, “Миллий иттиҳод” ташкилоти.

# **ИЗ ИСТОРИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЧЛЕНА ОРГАНИЗАЦИИ «МИЛЛИЙ ИТТИХОД» («НАЦИОНАЛЬНОЕ ОБЪЕДИНЕНИЕ») ИСРОИЛЖАНА ИБРОХИМЖОН УГЛЫ**

**Асадулло ХАСАНОВ**

базовый докторант

Институт истории АН Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

[xasanovasadullo7@gmail.com](mailto:xasanovasadullo7@gmail.com)

## **Аннотация**

В статье впервые на основе исторических источников анализируется личность и деятельность одного из активных членов движения джадидов Исроилджона Иброхимджана оглы. Особое внимание уделено его участию в движении джадидов и национально-освободительной борьбе.

**Ключевые слова:** «Исроил шойифуруш», джадидское движение, школа «Турон», курбаши, организация «Миллий иттиход».

Ўтган асрнинг 20-йиллари сўнггида Туркистон жади́дчилик ҳаракатининг етакчиларини совет хавфсизлик тузилмалари томонидан йўқотишга киришилди. Чунки, фикр ва қарашлари турфа хиллигига қарамай жади́дларнинг мақсадлари ягона бўлиб, у ҳам бўлса, Ватан озодлиги, халқ фаровонлиги эди. Шу маънода советларнинг уларга қарши кураши табиий жараён ҳисобланган.

Улуғвор мақсад учун жонини тиккан жаидлар орасида тошкентлик йирик мулкдор ва бой савдогар Исроилжон Иброҳимжон ўғли (ёки Исроилжон Иброҳимов) номи ҳалигача кенг жамоатчиликка маълум эмас. Сабаби, мавжуд тарихий адабиётларда унинг ҳаёти ва фаолияти умуман ёритилмаган, мустақиллик даврида ёзилган баъзи асарларда эса унинг номи миллий ташкилот тузувчилар қаторида санаб кетилган, холос [6]. Аслида эса 1929 йил 5 ноябрь куни Совет ҳокимиятини ағдариш учун курашган “Миллий иттиҳод” яширин ташкилотига аъзоликда айбланиб ҳибсга олинган 38 киши ичида Исроилжон Иброҳимжон ўғли алоҳида қайд қилинган бўлиб, бу унинг миллий озодлик курашларининг етакчи қаҳрамонларидан бири бўлганлигини кўрсатиб туради. Қолаверса, унинг жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган шахслардан бири бўлганлигини авлодлари қўлида сақланиб қолган портретдан ҳам билиш мумкин.

Сунъий интеллект ёрдамида давр руҳига кўра амалга оширилган расм таҳлили қуйидаги ҳақиқатга яқин хулосаларни бермоқда:

“Кийим ва услуб. У ҳарбий ёки маъмурий мансабга эга. Чунки унинг кийими зобит ёки давлат хизматчисига хос.

Қомат ва ҳолат. Унинг ўтириш услуби ва ўзига бўлган ишончи муҳим шахс ёки расмий мансаб эгаси эканини кўрсатади.

Суратнинг сифати ва услуби. Бу турдаги портретлар одатда замонасининг бой ёки таъсирли кишилари томонидан туширилган”.

*Болалиги ва таълими.* Исроилжон Иброҳимжон ўғли 1868 йили Тошкентда бой мулкдор оиласида туғилган. Тергов кўрсатмаларида отасини “боғбон бўлган”ини ёзса-да, аслида унинг Тошкент атрофидаги катта мол-мулклар соҳиби бўлгани маълум.

Исроилжон Иброҳимжон ўғли ижтимоий жиҳатдан ўзига тўқ оиладан эканлиги сабабли хусусий равишда таълим олиб, замонасининг аҳволидан бохабар етук инсон бўлиб етишган. Рус, немис, француз тилларини яхши билган [5].

*Оиласи.* Исроилжон Иброҳимжон ўғлининг Исмоил, Машҳура, Абдуқодир, Абдурашид, Абдувоҳид, Абдусамад исмли фарзандлари бўлиб, кўпчилигининг кейинги тақдири номаълум. Шундай бўлса-да, Абдувоҳид ўғлининг фарзанди Исоқжон Исроилов авлодлари ҳамда Абдусамад ўғлининг кизи Муҳаббат Исроилова авлодлари ҳозирда Тошкент шаҳрида яшаб турли соҳаларда фаолият олиб бораётганликлари маълум. Жумладан, Муҳаббат Исроилова филология фанлари номзоди сифатида узок йиллар Тошкент алоқа институтида фаолият олиб борган. Исоқжон Исроилов эса Тошкент ва республиканинг турли вилоятларидаги йирик ишлаб чиқариш мажмуаларининг лойиҳачиси бўлган.

*Мулклари.* Совет ҳукумати томонидан Исроилжон Иброҳимжон ўғлининг мусодара қилинган мулклари ва унинг миқдори ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Баъзи тарихий ҳужжатларда унинг Сирдарёда ижарага берилган паромлари бўлганлиги; Чиноз, Эшонмозор бозорларидаги дўконларида сурп матоси билан савдо қилганлиги, Паркент кўчаси Салор кўпригидаги боғ ва Мерганча маҳалласида “Турон” мактаби жойлашган бино унинг акасида қолган ҳовлиси эканлиги билдириб ўтилади, холос [1; 68]. Шунингдек, Тошкент, Қўқон, Ўш, Ўратепа, Россия империясининг бошқа шаҳарларида, жумладан, Қозон, Уфа, Олмаота, Москва ва Санкт-Петербургда бир қанча савдо дўконлари очганлиги, Парижда савдо ярмаркаларини ташкил қилгани учун Франциянинг фахрий фуқаролигига лойиқ қўрилгани ҳақида ҳам оғзаки маълумотлар мавжуд [4].

Ҳибсга олиш чоғида Тошкент шаҳри Шайхонтохур даҳаси 1-Или маҳалласи 29-уйда яшаган [1; 1].

*Фаолияти.* Исроилжон Иброҳимжон ўғли бошланғич таълим олиб хат-саводи чиққач отасининг изидан бориб, савдо-сотиқнинг сир-синоатларини ўрганади. Асосан тўқимачилик, хусусан, мато ва ипак савдоси билан шуғулланади. Ўзининг хотираларида 1919 йилга қадар эски Марғилондан Тошкентга сурп мато олиб келиб сотганлиги ва бу савдодан катта фойда олганини билдириб ўтган [1; 68]. Савдо фаолияти тор доира билан чекланиб

қолмаган Исроилжон бой кенг миқёсдаги халқаро савдо алоқаларини йўлга қўйишга интилиб, 1900 йили Парижда ўтказилган Бутундунё савдо кўргазмасида иштирок этган. Бу ҳақида унинг авлодларидан бири шундай хикоя қилади: “...Исроил отамиз ҳам Парижда бўлган эканлар. 1900 – 1902 йиллари Парижда яшаган эканлар. Ҳали уни аниқ билмайманку, лекин Исроил отамиз ўзларининг маҳсулотларини Парижга олиб борганлар”.

Хорижга қилинган саёҳатлар, Туркистонда бошланган уйғониш ҳаракатлари, илғор руҳдаги газета ва журналларнинг кенг ёйилиши, хусусан, “Таржимон” газетасининг ўлкага кириб келиши бошқа ёшлар қаторида Исроилжон бойнинг ҳам дунёқарашига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. У Туркистоннинг қарам ва қоқоқ аҳволга тушиб қолганлигини англаб Ватан олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда миллат хизматига бел боғлаган. Бу унинг жадиidler ва халқнинг муҳтож қатламига кўрсатган хайрия фаолиятларида, жадиidler билан бир сафда туриб миллий озодлик учун олиб борилган курашларида, истиқлолчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб турганлигида яққол кўзга ташланади. У кам таъминланган ва муҳтожларга, айниқса кўп болали оилаларга фаол ёрдам бериб, саховати билан ном қозонди. Халқ орасида “Исроил шойифуруш” номи билан танилди [4].

Исроилжон Иброҳимжон ўғли ўша пайтда Тошкентнинг йирик маърифатпарвар бойларидан бири сифатида жадиidчилик ҳаракатининг фаол тарафдорларидан бирига айланган. Жадиid мактаблари очиш, ёшларни чет элга ўқишга юбориш, хайрия жамиятлари ташкил этиш, театр фаолиятини йўлга қўйиш ва бошқа шу каби ишларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Ўз фарзандларини замонавий билимга эга етук инсонлар қилиб тарбиялашга интиланган. Хусусан, ўғилларидан Абдусамад Туркияда ўқигани маълум.

Унинг маориф ҳомийси эканлиги ўз ҳовлисини мактаб очиш учун ажратиб берганлигида янада яққол намоён бўлади. 1903 – 1904 йиллари Исроилжон бойнинг Тошкент шаҳар 3-Мерганча маҳалласидаги ҳовлиси 1-

рус-тузем мактаби учун ижарага берилган. Кейинчалик ушбу мактаб “Турон” жаид мактабига айлантирилган. У ерда Саидқосим домла, Абдумажид Қодиров, турк асирлардан Аҳмад Камол, Исмоил Ҳаққи, Ғолиббек кабилар фаолият олиб борган [1; 70].

1917 йил Февраль инқилобидан сўнг Туркистонда миллий сиёсий уюшмалар ташкил этилишида ҳам Исроилжон Иброҳимжон ўғли номи учрайди. 1917 йил июль ойида “Турон” жамияти идора аъзолиги таркибида Абдулла Авлоний, Муҳаммадхон Пошшахўжаев, Саидалихўжа Турсунхўжа ўғли, Абулқосим афанди Аминзода, Салоҳиддин Муҳаммадхожи ўғли, Абдулмалик Орифжоновлар билан бир сафда Исроилжон Иброҳимжон ўғли номи ҳам тилга олиб ўтилган [2]. 1917 йил 3 август куни кечқурун “Шўройи исломия” жамияти биносида ўтказилган “Турк адам марказияти” фирқасининг таъсис мажлисида очик сайлов йўли билан идора аъзолигига сайланган 10 кишидан бири ҳам айнан у эди [3]. Ушбу ташкилотлар ўз олдига Туркистон ўлкасини Россиянинг мустамлака сиртмоғидан чиқаришни мақсад қилиб, аввалига мухторият орқали бошқарувни қўлга олишни назарда тутган.

Октябрь давлат тўнтарилиши ва Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши миллий етакчиларнинг орзу-умидларини бир қадар йўққа чиқарса-да, миллий озодлик учун курашларини тўхтатиб қололган эмас. Совет ҳокимияти қурилган илк чоғларданоқ унга қарши кучли халқ ҳаракати бошланди. Совет тарихий адабиётларига “босмачи” номи билан кирган ушбу ҳаракат аслида том маънодаги миллий озодлик ҳаракати бўлган. Унинг сафларида ҳаракатнинг ғоявий ва ташкилий раҳнаmolари сифатида жаидлар кўзга ташланиб турадилар. Жумладан, Мунавварқори бошчилигидаги “Миллий иттиҳод” (“Иттиҳоди тараққий”) яширин ташкилоти бу борада алоҳида диққатга сазовордир.

“Миллий иттиҳод” ташкилотининг илдизлари юқоридаги “Турон”, “Турк адам марказияти” каби тузилмаларга бориб тақалади. Октябрь тўнтариши номлари зикр этилган тузилмаларнинг очик расмий фаолият олиб

боришини тақиқлаб, якка партия диктатурасини ўрнатди. Бундай шароитда миллий тузилмаларнинг собиқ аъзолари яширин кўринишдаги ташкилот байроғи остида бирлашдилар. Совет тарихчилари таъкидлагандек, “Миллий иттиҳод” ташкилоти Туркистонда ривожланиб бораётган синфий зиддиятларнинг махсули сифатида эмас, балки ўлканинг қайта мустамлака сиртмоғига тушиш хавфи кучайганлиги натижасида вужудга келган эди. Ташкилотга биргина Тошкентдан 100 дан ортиқ йирик давлат амалдорлари, журналчилар, ўқитувчилар, бой савдогарлар, ер эгалари ва бошқалар аъзо бўлиб кирганлар.

Ташкилот бутун Туркистон бўйлаб ўз бўлимларига эга бўлган. Тошкентда Сирдарё вилоятининг идораси тайин қилиниб, унинг раиси Садриддинхон Шарифхўжаев ҳисобланган. Нажмиддин Шераҳмадбоев, Абдуллажон Зиёбоев, Салимхон Тиллахонов, Исроилжон Иброҳимов, Каримбек Норбеков, Толибжон Мусабоев каби таниқли кишилар идора аъзоси бўлганлар [1; 91]. Улар ўртасида ташкилотнинг маълум ишлари тақсимлаб олинган. Бунда Исроилжон Иброҳимжон ўғли зиммасига шахсан Марказий қўмита раиси Мунавварқори кўрсатмаси бўйича ҳарбий ишларни юритиш вазифаси юкланган [1; 57]. Унинг асосий иши кўрбошилар билан мунтазам алоқа ўрнатиш, улар билан ташкилий, моддий ва бошқа масалаларда музокара олиб бориш, ҳарбий ҳаракатларни ташкилот кўрсатмалари асосида олиб борилишини таъминлаш, ташкилотга маблағ йиғиш кабилардан иборат бўлган. Исроилжон Иброҳимжон ўғли зиммасидаги вазифаларни аъло даражада бажарганлигини тарихий хужжатлар кўрсатиб туради. Хусусан, 1919 йили Тошкент атрофларида советларга қарши кураш олиб бораётган Обидхон исмли кўрбошига 3 от ва 700 бўлак мато берган [1; 70]. Ёки Раҳмонқул, Юсуф Эрали бойваччага бўйсунган кўрбошиларни қурол-яроғ ва ҳарбий режалар билан таъминлаб, уларнинг ҳимояси учун шароит яратиб берган [1; 45]. Ҳафтада бир марта Раҳмонқул билан учрашиб турган. Шунингдек, 1920 йили ташкилот

кўрсатмаси бўйича Афғонистондан маблағ олиб келиш учун у ерда бўлиб қайтган [1; 132].

Шунингдек, унинг уйи ва боғи ташкилот аъзолари тез-тез тўпланиб суҳбат ўтказувчи масканлардан бири бўлган. Ташкилот аъзоларидан Зоиржон Ҳошимов 1917 – 1920 йиллари Исроилжон бойнинг Паркент кўчаси Салор кўпригидаги боғида тез-тез тўпланиб туришлари ҳақида сўзлаган [1; 44]. Ҳатто, бу учрашувлардан бири қуйидаги архивда сақланиб қолган бир фотосуратга ҳам муҳрлаб қўйилган эди.

Толибжон Мусабоев ва Зоиржон Ҳошимов кўрсатмаларидан келиб чиқилса, расмни шундай тасвирлаш мумкин: Расм 1919 ёки 1920 йили Исроилжон Исроиловнинг боғида байрам муносабати билан олинган. Ўнг томондан кетма-кетликда: ётганлар – Башрулла Хўжаев, ёнидаги Исроилжон Иброҳимовнинг ўғли (Абдурашид ёки Абдувоҳид); иккинчи қаторда ўтирганлар – Отахон Назирхўжаев, Мусахон табиб, Мусо ўғли; учинчи қаторда ўтирганлар – Толибжон Мусабоев, Мусахон Миразимов, Отахон Назирхўжаев, Кабир Бакир, Сулаймон Сомий, Миён Бузрук, Зиябек, Мунавварқори, Ғолиббек, Меҳметбей, Исроилжон Иброҳимжон ўғли; тик турганлар – Эшонхўжа Хоний, Ҳайдар Шавқий, Зоиржон Ҳошимов, Абдуқодир Исроилжон ўғли, Юсуфжон Аҳмаджонов.

Исроилжон Иброҳимжон ўғли миллий озодлик курашларини амалга оширишда миллий қўшин аҳамиятини теран англаган ойдинлардан бири бўлган. 1919 йили Тошкентга келган собиқ турк қўмондони Жамол пошшо ҳамроҳлигида бир неча ўзбек ўғлонлари Афғонистонга юборилган. У ерда уларга ҳарбий таълим берилиб, миллий қўшин асослари ташкил қилишга киришилган. Бу йигитлар сафида Исроилжон Иброҳимжон ўғлининг икки фарзанди – Абдурашид ва Абдувоҳидлар ҳам бўлган эдилар [1; 39]. Улар 3 йил мобайнида Афғонистонда ҳарбий таълим олиб сўнгра Тошкентга қайтиб келганлар.

Қатағон сиёсати. XX асрнинг 20-йилларида бошланган большевикларнинг шафқатсиз қатағон сиёсати Исроилжон Иброҳимжон ўғли

хам четлаб ўтмади. 1929 йил 5 ноябрда “Миллий иттиҳод” уюшмаси аъзолари қаторида айбланиб ҳибсга олинди. СССР ОГПУ коллегияси томонидан РСФСР Жиноят кодекси 58-моддасининг 2-банди (қуролли қўзғолон) билан айбланиб, 1931 йилнинг 25 апрелида халқ душмани айблови билан отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Суд ҳужжатларида унинг дафн этилган жойи ҳақида маълумот йўқ, бу эса совет ҳукуматининг ҳатто миллат ойдинларининг ўлиmidан ҳам қўрувга тушганлигини кўрсатиб турувчи очик далилдир.

Кўп йиллар давомида Исроилжон Иброҳимжон ўғли номи унутилди, шахси расмий тарихдан ўчирилди, жамият ва халқ олдидаги хизматлари барҳам топди. Фақат 1980 – 1990 йиллари ошкоралик даврида 1989 йил 21 апрелдаги Ўзбекистон ССР прокуратураси қарорига асосан Исроилжон Иброҳимов номи орадан қарийб 60 йил ўтиб оқланди.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистон шароитида тарихий адолатни тиклаш ва қатағон қурбонларининг номларини тиклаш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 19 июлда қабул қилган “Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида” [7] ги қарори қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштиришда бурилиш нуқтаси бўлди. Бу қарор минглаб одамларга сиёсий қатағонлардан азият чеккан аждодларининг аянчли тақдири билан танишиш, уларнинг хотирасини эъзозлаш имконини берди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Тарих институти жорий архиви, 25-дафтар материаллари.
2. Турон жамияти // Улуғ Туркистон, 1917 йил 30 июл.
3. Турк Адами Марказияти фирқаси // Турон, 1917 йил 10 сентябр.
4. Исраилова М. Не забыт ваши имена // Правда востока, 2000 йил 13 май.
5. Ҳибсга олинди, отилган “жосус” // Янги Ўзбекистон, 2021 йил 31 август.



6. Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Тошкент, 2002.
7. <https://www.lex.uz/docs/-7027939> интернет сайти.